

**БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Ражабоев Дилмурод Кулдаш ўғли

Адлия вазирлиги масъул ходими Почта: drk.dilmurod@gmail.com

Тел: +998909946226

Аннотация

мазкур мақолада болаларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш механизмларининг илк ҳуқуқий асослари ва бунинг зарурияти ҳақида сўз боради.

“Bullying” инглизча сўз бўлиб “безорилик, таъқиб қилиш” маъносини билдиради.

Бугунги кунда мактабларда болалар ўртасида “bullying” (зўравонлик, безорилик) яъни бир гуруҳ боланинг бошқа болага ёки бир нечта болаларга нисбатан безорилик, кўрқитиш, таҳдид, масхара ёки таъқиб қилиши, турли тажовузлар уюштириши кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланган.

Мактабларда олиб борилган тадқиқот натижалари, 13-15 ёшдаги 150 миллионга яқин болалар ёки дунё ўқувчиларининг ярми мактабда ўз тенгдошларининг зўравонлигига учрагаётганлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, ҳар куни ёки ҳафтада ўнинчи боладан бири бундай зўравонликка дуч келмоқда.

“Bullying” айниқса мактабларда кенг тарқалган бўлиб, бошланғич синфларда тез-тез учрайди. Шу билан бирга, “bullying” нафақат мактаб ўқувчилари ўртасида, балки мактаб ўқитувчиларининг ўқувчиларга нисбатан камситиш, пўпса қилиб кўрқитиш ҳолатларига ҳам кўзимиз тушиши мумкин.

“Bullying” ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, “bullying” бошқа болага қасддан зарар етказиш бўлиб, мунтазам такрорланадиган ва жабрланувчининг ўзига нисбатан зўравонликни тўхташига тўсқинлик қиладиган ҳокимият тенгсизлигини англатувчи ҳаракатдир. “Bullying” ҳар қандай жойда ва исталган вақтда содир бўлиши мумкин: кундалик ҳаётда, ёзишмаларда ёки ижтимоий тармоқларда.

“Bullying” муаммолари бўйича I конференция 1987 йилда Норвегиянинг Ставангер шаҳрида Европа Кенгаши томонидан ташкил этилган.

Конференция яқунлари бўйича “Турли давлатларда “bullying”: муаммонинг шарҳи” (Roland, Munthe, 1989 й.) номли китоб чоп этилади.

1990 йилларда Буюк Британия, Австралия, Канада, Япония, Германия ва бошқа давлатларда “bullying” бўйича тадқиқотлар бошланади.

1990 йилнинг октябрь ойидан 2000 йил ноябрь ойигача Германиянинг жанубидаги мактабларда кенг кўламли Фрайбург, Гейдельберг, Мюнхен университетининг мутахассислари иштирокида “bullying” тадқиқотлари ўтказилади. Ушбу тадқиқот натижасида ҳар еттинчи немис бола зўравонлик қурбонига дуч келиши аниқланади.

“Bullying” бўйича 2014-2015 йилларда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD - Organisation for Economic Cooperation and Development) томонидан ўтказилган тадқиқотда 27 та давлат иштирок этади. Тадқиқот натижаларига кўра, 11-15 ёш австралиялик ўғил болаларнинг 21 %и йиллар давомида таъқиб қилинган ва улар тадқиқот натижаларига кўра биринчи ўринни олади. Энг паст натижани Швеция эгаллайди. Бунга асосий сабаб, 2006 йилда Швециядаги барча мактабларда болалар ва ўсмирларни дискриминация ва “bullying”дан ҳимоя қилиш бўйича қонун қабул қилинади.

Ҳар бир мактабда зўравонликка қарши мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилардан иборат “antibullying” жамоаси фаолият олиб боради. Бундан ташқари Швецияда (Норвегияда ҳам) ҳар ўқув йили бошида уч томонлама битим тузилиб, битим ўқувчи(ҳаттоки биринчи синф ўқувчиси ҳам), ота-оналар ҳамда мактаб раҳбарияти ўртасида имзоланади.

Бу орқали ҳар бир бола бошқа ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга зўравонлик ёки камситиш ҳолатларини содир этиши қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида хабардор бўлади.

ЮНЕСКОга аъзо давлатлар томонидан 2020 йилдан бошлаб, ноябрь ойининг биринчи пайшанба куни “Мактабда зўравонлик, таъқиб бўлишга қарши халқаро кураш куни” сифатида тан олинади.

Бу йилги тадбир жорий йилнинг 5 ноябрь куни “Мактабда зўравонликка қарши биргаликда курашамиз” шиори остида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Хорижий давлатларда “Bullying”га қарши курашиш бўйича бир қатор муваффақиятли дастурлар ўтказилган. Амалга оширилган ана шундай дастурларга тўхталадиган бўлсак, Испанияда- “SAVE”,

Финляндияда-KiVa (“масхара қилишга қарши”), Ирландияда- “Donegal and ABC”, Италияда-Bulli & Pups (Bullies and Dolls) кабиларни айтишимиз мумкин.

1. Caravita, S., DiBlasio, P., & Salmivalli, C. (2009). Unique and interactive effects of empathy and social status on involvement in bullying. *Social Development*, 18, 140–163.10.1111/sode.2009.18.issue-1
2. Crick, N. R., & Grotpeter, J. K. (1995). Relational aggression, gender, and social-psychological adjustment. *Child Development*, 66, 710–722.10.2307/1131945
3. Olweus, D. (1978). *Aggression in the schools: Bullies and whipping boys*. New York, NY: Hemisphere Publishing.
4. Olweus, D. (1993). *Bullying at school: What we know and what we can do*. Oxford: Blackwell.
5. Palladino, B., Nocentini, A., & Menesini, E. (2015). Evidence-based intervention against bullying and cyberbullying: Evaluation of the Notrap! program in two independent trials. *Aggressive Behavior*, 194–206. Early online.